O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ SHAHAR
HOKIMI

ХОКИМ
ГОРОДА ЧИРЧИКА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Q A R O R
РЕШЕНИЕ

“ 26 ” 10 2018 yil 1244 son Chirchiq sh.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳарда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан келиб чиқиб, 760 кишини ташкил этадиган 10 фоиз миқдоригача, шу жумладан:

ногиронлар учун 2,3 фоиз - 18 киши;

14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун 9,8 фоиз - 75 киши;

олий таълим муассасалари ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар учун 60,6 фоиз - 461 киши;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар ҳамда сафарбарлик чақируви захирасига киритилган учун 16,4 фоиз - 125 киши;

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшга яқинлашиб қолган шахслар учун 0,7 фоиз - 6 киши;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 9,5 фоиз - 72 киши;

бошқалар шу жумладан: одам савдоси жабрдийдалари учун 0,4 фоиз – 3 киши.

2. 2018 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот, муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил 15 декабрь кунига қадар квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечикмаган ҳолда иш жойларининг қолган қисми- 75 фоизини (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) барпо этиш, ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор ижроси бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4.Корхона, ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари томонидан 2019 йилнинг 1 апрель санасига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан белгилаб қўйилган тартибда аттестациядан ўтказилиш чораларини кўрсинлар.

5.Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарорига мувофиқ ҳолда тасдиқлансин. “Ижтимоий муҳофозага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги низомга мувофиқ белгиланган муддатлар ва тартибда яратилишини (ажратилиши ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари шароити санитария гигиена нормаларига ва ҳодимлар ўз мажбуриятларини бемалол бажаришлари учун меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижросини бажармаган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган

“Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда кўра белгиланган талабларни бажармаган тақдирда маъмурий жарима солишга сабаб бўлишини ва жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилинмаслиги ҳақида марказ директори (Н.С.Рустамова) томонидан, корхона ташкилот ва муассасанинг мансабдор шахсларга қатъий тушинтиришлар бериш чораларини кўрсин.

7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини шаҳар ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган корхона ташкилотлар мазкур низомнинг 21-бандида назарда тутилган тартибда иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази (Н.Рустамова) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказиш чораларини кўриб чиқиб, қарор ижросини бажарилиши устидан қаътий назоратини таъминласин.

9. Чирчик шаҳар ҳокимининг 2017 йил 29 сентябрги “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 929-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб, хисоблансин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ижрога қаратилсин.

11. Ушбу қарорни ижросини бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Қ.Рашитов**